



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT GEOLOGIYA VA MINERAL RESURSLAR QO'MITASINING

BUYRUG'I

2022 yil "30" 08

112 - son

Toshkent shahri

Давлат геология кўмитасида Давлат харидларини ташкил этиш тўғрисида

Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасида бўладиган харидларни Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунига асосан ташкил этиш, давлат харидларини сифатли амалга ошириш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Давлат харидлари жараёнида очиклик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг харидларга оид ички меъёрий ҳужжатлари қуйидаги иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

- Давлат харидларининг энг яхши таклифларни танлаш ва тендер орқали амалга ошириш бўйича идоравий Харид комиссиясининг таркиби, 1-иловага мувофиқ;

- таклифларнинг техник қисмини кўриб чиқиш ва техник хулосаларни расмийлаштириш учун тегишли йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлар таркиби, 2-иловага мувофиқ;

- “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”, 3-иловага мувофиқ;

- “Давлат харидлари очик ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш бўйича Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси ишчи комиссияси тўғрисидаги Низом”, 4-иловага мувофиқ.

2. Энг яхши таклифларни танлаш ва тендер ҳужжатларини кўриб чиқишда идоравий Харид комиссияси раиси қабул қилинаётган қарорларнинг ўз вақтида бажарилиши, қарор ижросининг тўлиқлиги ва ишончлилиги, шунингдек, ҳеч қандай махфий ахборотни ошкор этмаслик ва бошқа ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар учун қонунчиликка мувофиқ шахсан жавобгар эканлиги Харид комиссияси аъзоларига етказилсин.

3. Давлат харидлари жараёнида очиклик ва шаффофликни таъминлашга доир янги ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан Давлат

геология қўмитасининг 2022 йил 1 мартдаги 33-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ишлар бошқармаси (Халикулов) ва Ички назорат бошқармаси (Сағдуллаев) юқорида кўрсатилган барча ички меъёрий хужжатлар талаблари билан ходимларни таништириш ва уларга тушунтириш ишларини амалга оширсин.

5. Ушбу буйруқнинг бажарилиши назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Раис



Б. Исламов

**Давлат харидларини энг яхши таклифларни танлаш ва тендер орқали
амалга ошириш бўйича идоравий харид комиссияси
ТАРКИБИ**

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Комиссиядаги лавозими
1.	Алимов Ш.П.	Давлат Геология қўмитаси Раиси ўринбосари	Комиссия раиси
2.	Ходжамов Ю.Н	Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси бошлиғи	Комиссия раисининг ўринбосари
3.	Магдиев Ф.Н.	Техник-сиёсат бошқармаси бошлиғи	Комиссия аъзоси
4.	Хайбулин Т.Р.	Бухгалтерия ҳисоби бошқармаси	Комиссия аъзоси
5.	Норматов С.Х.	Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари	Комиссия аъзоси
6.	Дустов А.А.	Минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурларини амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш бўлими бош мутахассиси	Комиссия аъзоси
7.	Мерджалилов А.Л.	Ички назорат бошқармаси бош мутахассиси	Комиссия аъзоси
8.	Хусаинов Э. Ю.	Девонхона мудири	Комиссия котиби

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.

**Таклифларнинг техник қисмини кўриб чиқиш ва техник хулосаларни
расмийлаштириш учун тегишли йўналишлар
бўйича Ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

Т/р	Ф.И.Ш..	Лавозими	Ишчи гуруҳдаги лавозими
1	Муратов Н.Д.	Раиснинг техник сиёсати бўйича маслаҳатчиси	Ишчи гуруҳ раҳбари
I. Кон-бурғилаш, энергетика, технологик ва ёрдамчи ускуналар, автотранспорт воситалари ва йўл қурилиш техникаси бўйича			
1	Чванов В.К.	Давлат геология кўмитасининг Ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи	Ишчи гуруҳ аъзоси
2	Назаров Э.А.	Давлат геология кўмитасининг бош мутахассиси	Ишчи гуруҳ аъзоси
3	Бобақулов И.А.	Давлат геология кўмитасининг бош мутахассиси	Ишчи гуруҳ аъзоси
II. Геофизик - геодезик ускуналар ва дастурий таъминот бўйича			
1	Азимов Ж.Н.	Давлат геология кўмитасининг бош мутахассиси	Ишчи гуруҳ аъзоси
2	Баратов А.Х.	Давлат геология кўмитасининг бош мутахассиси	Ишчи гуруҳ аъзоси

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади. Шу билан бирга, Ишчи гуруҳ айрим йўналишларда тизим корхоналари мутахассисларини эксперт сифатида мазкур жараёнга жалб этиши мумкин.

**Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни
ташқил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунига мувофиқ (кейинги ўринларда Қонун) Давлат геология қўмитаси томонидан харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташқил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги **ПҚ-3953**-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 5 декабрдаги **ПҚ-4544**-сонли “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2021 йил 2 июлдаги **ПҚ-5171-сонли** “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майдаги **3016-сон** билан рўйхатдан ўтказилган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташқил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги **833-сонли** “Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташқил этилади ва амалга оширилади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аванс тўлови - қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, давлат харидларининг электрон тизими операторининг воситачилик йиғимини ва томонларнинг закалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;

ваколатли орган - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

воситачилик йиғими - давлат харидларининг электрон тизими операторининг харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлари учун ундириладиган йиғим;

закалат - буюртмачи томонидан электрон дўкон ёки бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион натижасида тузилган шартнома бўйича тўловлар тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш ҳамда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари томонидан ўзларининг таклифларини таъминлаш усули;

давлат буюртмачиси – Давлат геология кўмитаси;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия - ваколатли орган томонидан шикоятларни адолатли, тезкор ва самарали кўриб чиқиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат органлари, давлат харидлари электрон тизимининг операторлари ва жамоатчилик вакилларида иборат таркибда тузиладиган комиссия;

давлат харидларининг режа-жадвали - Давлат геология кўмитаси томонидан йил ва чорак давомида харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни назарда тутувчи ҳужжат;

давлат харидларининг электрон тизими - электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишда давлат харидларининг субъектлари ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи;

давлат харидлари электрон тизимининг оператори (кейинги ўринларда оператор) – давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган, ваколатли орган томонидан белгиланадиган махсус ваколатли юридик шахс;

лот - турли белгилари бўйича гуруҳлаштирилган (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил турдаги товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) жамланмаси сифатида Давлат геология кўмитаси томонидан белгиланган ва алоҳида давлат харидлари тўғрисидаги шартнома бўйича харид предмети ҳисобаландиган миқдорий қисм;

шахсий кабинет - электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, давлат харидлари субъектлари, харид комиссиясининг масъул котиби, харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларининг махсус ахборот порталидаги ва (ёки) давлат харидларининг электрон тизимидаги индивидуал саҳифаси;

электрон таклиф - энг яхши таклифларни танлаш ва тендер тартиб-таомилида қатнашиш учун харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси ўз шахсий кабинети орқали электрон кўринишда юборадиган таклиф;

қадам ўлчови — бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукционнинг бошланғич ва/ёки ўзидан олдинги харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг нархини пасайтиришнинг фоиз кўринишида белгиланадиган интервали;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларда ХККП) - аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари электрон давлат харидларига киришини таъминловчи давлат харидлари электрон тизимининг таркибий бўлинмаси.

3. Давлат буюртмачисининг давлат харидларига тайёргарлиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

махсус ахборот порталида давлат харидларининг режа-жадвалларини жойлаштириш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда электрон давлат харидларида иштирок этиш учун аванс тўловларини киритиш;

давлат харидларининг электрон тизимида давлат харидлари ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштириш;

махсус ахборот порталида Давлат геология қўмитаси ўзи билан аффилиланган шахслар ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш.

4. Қўмита томонидан Давлат харидларининг йиллик режа-жадвали жорий йилнинг 25 мартига қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади. Келгуси йил учун давлат харидларининг йиллик режа-жадваллари жорий йилнинг 25 декабрига қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади. Келгуси чорак учун давлат харидларининг чораклик режа-жадваллари жорий чорак охиригидан кейинги 25 санасига қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

5. Давлат геология қўмитаси давлат харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

Бунда харид қилиш тартиб-таомили ўтказилишидан камда уч иш куни олдин давлат харидлари режа-жадвалларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилади.

6. Давлат харидларининг режа-жадвали қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

харид предмети;

харид предметининг миқдори ва нархи;

харид ўтказилган ой;

давлат буюртмачисининг номи ва манзили;

харид предметини молиялаштириш манбалари ва муддатлари;

товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш жойи (манзили).

7. Давлат геология қўмитаси билан манфаатлар тўқнашувига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (кейинги ўринларда — иштирокчи) бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Электрон давлат харидларини ўтказишнинг умумий шартлари

8. Электрон давлат харидларида иштирок этиш учун:

Давлат геология қўмитаси операторнинг воситачилик йиғимини ҲККПдаги шахсий ҳисобварақларига ўтказадилар.

Давлат геология қўмитаси электрон давлат харидларида иштирок этиш учун закатни ҲККПга ўтказиши талаб этилмайди.

9. Давлат геология қўмитаси ва иштирокчилар электрон давлат харидларидаги иштирокларини электрон рақамли имзолардан (кейинги ўринларда — ЭРИ) фойдаланган ҳолда амалга оширади. Давлат геология қўмитаси ва иштирокчининг ЭРИдан фойдаланиб давлат харидларининг электрон тизими орқали тузган давлат харидлари тўғрисидаги шартномалари ҳақиқий ҳисобланади.

10. Бюджет буюртмачилари эълон ёки оферта бўйича Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (кейинги ўринларда — ДМБАТ) томонидан банд қўйилган суммасининг, шунингдек, уларнинг ҲККПдаги ҳисобварақларида операторнинг воситачилик йиғими суммасининг

етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирда, электрон давлат харидларида иштирок этадилар.

11. Давлат геология қўмитаси томонидан шахсий кабинет орқали аукцион, танлаш ва тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон жойлаштирилиб ёки электрон дўконда иштирокчининг офертаси танланиб, давлат харидларининг электрон тизими электрон давлат харидлари яқунларига кўра тузиладиган шартномавий мажбуриятларни бажариш учун молиялаштириш манбаларини инобатга олган ҳолда керакли суммага банд қўйиш тўғрисидаги ахборотни ДМБАТдан олгандан сўнг ушбу эълонни ёки танланган оферта бўйича нархлар сўрови механизмини фаоллаштиради.

12. Аукцион иштирокчиси закалати бошқа иштирокчи томонидан ундан кўра пастроқ нархдаги таклиф берилгунга қадар банд қилиб қўйилади.

Электрон дўкон иштирокчиларининг закалати ғолиб аниқлангунга қадар оператор томонидан банд қилиб қўйилади.

Электрон дўкон ва аукцион ўтказишда ижрочи киритган закалатлари шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар банд қилиб қўйилади.

13. Иштирокчилар ҲҚКПдаги шахсий ҳисобварақларига:

электрон дўконда иштирок этишдан олдин иштирокчининг офертаси қийматининг 3 фоизи миқдорида;

аукционда иштирок этишдан олдин аукционнинг бошланғич нархидан 3 фоиз миқдорида закалат ўтказадилар.

14. Давлат геология қўмитаси томонидан танлаш ёки тендер ўтказишда иштирокчилар томонидан закалат киритиш зарурати ҳамда киритиладиган закалат миқдори харид комиссияси томонидан белгиланади. Иштирокчиларнинг закалати оператор томонидан ғолиб аниқлангунга қадар банд қилиб қўйилади.

Танлаш ёки тендер ғолибининг закалати шартнома тузилгунига қадар банд қилиб қўйилади. Бунда ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда, унга закалат суммаси қайтариб берилмайди.

15. Танлаш ёки тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ижрочининг киритган закалати шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар банд қилиб қўйилади.

Закалат миқдори танлашни ўтказишда товар (иш, хизмат) қийматининг 1-3 фоизи, тендер ўтказишда эса 1-5 фоизи доирасида белгиланишига йўл қўйилади. Бунда харид комиссияси иштирокчиларга нисбатан таклифларнинг гаров ёки кафолат тарзида ёхуд қонунчиликда назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши зарурлиги тўғрисидаги талабни белгилашга ҳақли.

16. Оператор томонидан Давлат геология қўмитаси ва иштирокчилардан ундириладиган воситачилик йиғими миқдори ваколатли орган томонидан белгиланади ва барча операторлар учун ягона ҳисобланади.

17. Оператор ҳисоб-китобларни ташкил этиш, ҳисобини юритиш, ҳамда иштирокчиларнинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида операторга хизмат кўрсатувчи банкда ҲҚКП учун алоҳида иккиламчи банк ҳисобварағини очади.

Оператор шартномавий мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ва алоҳида ҳисобини юритиш бўйича иштирокчилар учун ҲККПда алоҳида ҳисобварақ очади.

18. Молия вазирлиги бюджет буюртмачиларининг ҳисоб-китобларини ташкил этиш, шартнома бўйича мажбуриятлари бажарилиши ҳисобини юритиш ва таъминлаш мақсадида оператор учун Молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақлари очади ва унга ушбу ҳисобварақлардаги маблағларни бошқариш учун рухсат беради.

Оператор бюджет буюртмачиларига ҳисобни алоҳида-алоҳида юритиш ва шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун ҲККПда ҳисобварақлар очади.

19. Давлат харидларининг электрон тизими автоматик режимда қуйидагиларни амалга оширади:

Давлат геология қўмитаси ва иштирокчига киритилган аванс суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича электрон давлат харидларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

электрон давлат харидларини ўтказиш;

иштирокчиларни аниқлаш ва шартномани шакллантириш;

электрон давлат харидлари иштирокчиларининг таклифларини Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги маълумотлар базаларига интеграциялашуви орқали баҳолаш учун зарур бўлган маълумотлар билан Давлат геология қўмитаси ва харид комиссиясини таъминлайди.

20. Операторлар маълумотлар базаларининг электрон ҳамкорлиги орқали Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан электрон ҳужжатлар айланмасини ҳамда давлат харидларини ташкил этиш учун зарур бўлган ахборот алмашинувини таъминлайди.

21. Электрон давлат харидларининг якунига кўра давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда намунавий шакл асосида шартнома шакллантирилади ва шартнома томонларининг шахсий кабинетларига юборилади, шунингдек, тузилган шартномалар электрон реестрига киритиш орқали рўйхатдан ўтказилади.

22. Оператор тузилган шартномалар бўйича ахборотни Молия вазирлиги ва операторнинг маълумотлар базалари электрон ҳамкорлиги орқали Молия вазирлигига юборади.

23. Молия вазирлиги шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни қабул қилгандан сўнг бюджет буюртмачиларининг шартномаларини бир иш куни мобайнида автоматик тартибда ДМБАТда рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олади, шунингдек, электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома суммасини ҲККПга ўтказиб беради.

Давлат геология қўмитаси танлаш ёки тендер натижасида тузилган шартнома бўйича тўловларни ҲККПдаги шахсий ҳисобварақларидан фойдаланмаган ҳолда амалга оширади. Бунда олдиндан тўлов шартлари шартномада назарда тутилади.

24. ҲККП давлат буюртмачисидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича тушган тўлов суммасини банд қилиб қўяди ва

маблағлар тушган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан бу ҳақида ижрочига хабарнома юборади.

Мазкур хабарнома ижрочига товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

25. Ижрочи ҲККП томонидан маблағ тушганлиги тўғрисидаги хабарнома юборилишидан олдин товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берган тақдирда, Давлат геология қўмитаси томонидан қабул қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўлов амалга оширилмаслиги билан боғлиқ хатарлар ижрочининг зиммасида бўлади.

26. Давлат геология қўмитаси электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома асосида товарни (ишни, хизматни) тўлиқ қабул қилгандан сўнг уч иш куни мобайнида бу тўғрисидаги ахборотни бюджет ташкилотларининг ҳисоби ва ҳисоботлари автоматлаштирилган тизимининг дастурий комплекси орқали ДМБАТга киритишга ва юборишга мажбур.

27. ДМБАТ бюджет буюртмачисининг шартнома асосида товарни (ишни, хизматни) қабул қилганлиги тўғрисидаги ахборотни олгандан кейин уни бир иш куни мобайнида маълумотлар базаларининг электрон алмашинуви орқали операторга юборади.

28. Оператор товарлар (ишлар, хизматлар) электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича тўлиқ ҳажмда етказилганлиги ҳақидаги маълумотни олгандан сўнг бир иш куни давомида:

электрон тўлов топшириқномасини шакллантиради ва ДМБАТга юборади, у эса тўлов топшириқномасини олгандан сўнг бир иш куни давомида бюджет буюртмачиларининг пул маблағларини ижрочига юборади;

электрон тўлов топшириқномасини шакллантиради ва операторга хизмат кўрсатувчи банкка юборади, у эса тўлов топшириқномасини олгандан сўнг бир иш куни мобайнида давлат буюртмачиларнинг маблағларини ижрочига юборади;

ижрочининг закатига қўйилган бандни бекор қилади ва тегишли шахсий ҳисобварағига қайтаради;

закатни банддан ечади ва давлат буюртмачисининг тегишли шахсий ҳисобварағига қайтаради, бундан закат шартнома бўйича тўлаш суммасига қўшиб ҳисобланган ҳоллар мустасно;

электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилганлиги ҳақидаги маълумотни давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштиради.

29. Оператор танлаш ёки тендер натижасида шартнома тузилганидан сўнг бир иш куни давомида закатни банддан ечади ва уни ижрочининг тегишли шахсий ҳисобварағига қайтаради.

30. Агар танлаш ёки тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида ижрочининг киритган закати шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар банд қилиб қўйилишини назарда тутувчи талаб белгиланган бўлса, закат ушбу талаблар бажарилгунга қадар банддан ечилмайди.

31. Электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича етказиб бериш муддати тугагандан сўнг товарлар (ишларни, хизматлар) етказиб берилганлиги ҳақидаги маълумот мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг

электрон тизими бир иш куни мобайнида автоматик режимда давлат буюртмачиси ва Молия вазирлигини хабардор қилади.

32. Давлат буюртмачиси томонидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлиги ҳақидаги маълумот тақдим қилинмаганда, ХҚКП ушбу шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш муддати тугагач уч иш кунидан сўнг:

бюджет буюртмачиларнинг шартнома бўйича маблағларига суд ёки Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингунига ёки шартнома бекор қилингунига қадар банд кўяди;

бажарилмаган шартномалар бўйича маълумотларни Молия вазирлигига юборади.

33. ХҚКП суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида закатни банддан ечишни ва (ёки) тегишли ҳисобвараққа ўтказишни амалга оширади.

34. Бунда ХҚКП ижрочининг закалати бюджет буюртмачисига ўтказилиши тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида закатни бюджет буюртмачисининг бюджетдан ташқари тегишли ҳисобварақига ўтказишни амалга оширади.

35. Операторнинг воситачилик йиғими давлат харидларининг яқунларига кўра битимнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб Давлат геология кўмитаси ва иштирокчининг аванс тўловларидан давлат харидларининг электрон тизими томонидан ушлаб қолинади.

36. Иштирокчиларнинг ва давлат буюртмачиларнинг банди бекор қилинган маблағлари уларнинг топшириқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аванс тўловлари сифатида фойдаланилиши мумкин ёки уларга хизмат кўрсатадиган банклардаги ҳисобварақларига қайтарилади.

3-боб. Электрон дўкон

1-§. Электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга оширишнинг умумий шартлари

37. Электрон дўкондан харид қилиш Давлат геология кўмитасида қуйидаги тартибда амалга оширилади.

- Ташаббускор Кўмита раҳбарга билдирги ёзади ва Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси билан йиллик сметалар харажатида маблағ ажратилганлиги ёки ажратилган смета харажатларида қолдиқ суммаси мавжудлигини билиш учун бошқарма бошлиғига билдирги билан таништиради;

- Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси ва Ишлар бошқармаси бошлиғи билан 1 кунлик муддатда ушбу хизмат ёки товар учун молиявий маблағ ажратилган ёки ажратилмаганлигини ва ажратилган пулдан қолдиғи бор ёки йўқлигини ҳамда ушбу товар ва хизматларга бўлган эҳтиёж мавжудлиги келишилади;

- Ташаббускор Кўмита раҳбарга билдиргини тақдим этади. Раҳбар бир кунлик муддатда харид қилиш ёки харид қилмаслик ҳақида маълумот беради;

- Қўмита раҳбари билан келишилгандан сўнг билдирги ишлар бошқармасига келиб тушади ва 15 иш кун ичида электрон дўкон орқали ушбу Низомнинг 37-бандида кўрсатилган тарихда амалга оширади. Ишлар бошқармаси товарларни қабул қилиш жараёнида ташаббускор ва соҳа мутахассиси иштирокида қабул қилади ва қўмита омборига топширади;

- Ташаббускор омбордан товарни олиш учун Ишлар бошқармасига бошлиғига Хизмат хати билан мурожаат қилади ва Ишлар бошқармасига бошлиғи руҳсати билан товарни омборхонадан олади;

- товар ёки кўрсатилган иш хизматлари туридан келиб чиқиб, далолатнома асосида хизматларни йўналиши бўйича мутахассис иштирокида Ишлар бошқармаси ходими (агент) томонидан қабул қилиб олади.

38. Электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга ошириш мезонлари асосида, яъни Электрон дўконда:

бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваригача) қийматдаги товарларнинг;

бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача) қийматдаги ишларнинг, хизматларнинг давлат харидлари амалга оширилиши мумкин.

Электрон дўкон орқали Давлат геология қўмитаси томонидан айти бир турдаги товарларнинг давлат хариди бир молия йили давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача амалга оширилиши мумкин.

Электрон дўкон орқали Давлат геология қўмитаси томонидан айти бир турдаги ишларнинг, хизматларнинг давлат хариди бир молия йили давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваригача (давлат буюртмачилар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг бараваригача) амалга оширилиши мумкин.

39. Давлат геология қўмитаси томонидан электрон дўкон орқали товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторига мувофиқ гуруҳлаштирилган айти бир турдаги товарларнинг давлат хариди бир молия йили давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача амалга оширилиши мумкин.

Давлат геология қўмитаси томонидан электрон дўкон орқали товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) миллий классификаторига мувофиқ гуруҳлаштирилган айти бир турдаги ишларнинг, хизматларнинг давлат хариди бир молия йили давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваригача (давлат буюртмачилар учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг бараваригача) амалга оширилиши мумкин.

40. Иштирокчи томонидан электрон дўконда жойлаштирилган таклифда маълумотлар ва товарни етказиб бериш муддати кўрсатилади, яъни иштирокчи томонидан электрон дўконда жойлаштирилган таклифда қуйидагилар кўрсатилади:

таклиф этилаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) номи;
сотиш нархи;

товарнинг энг кўп ва энг кам тўпи;

товарнинг русуми ва техник параметрлари (стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжат, техник паспорт);

товарнинг фотосурати;

товар етказиб бериладиган (иш бажариладиган, хизмат кўрсатиладиган) ҳудуд;

товарни ишлаб чиқарувчи ва у келиб чиққан мамлакат тўғрисидаги ахборот;

кафолат шартлари ва муддати тўғрисидаги ахборот;

товар ишлаб чиқарилган йил (озик-овқатлар ва тез бузиладиган товарларнинг ишлаб чиқарилган куни, ойи, йили);

товарнинг яроқлилик муддати (кун, ой, йил);

ишни бажариш, хизматни кўрсатиш муддати;

товарни (ишни, хизматни) мажбурий сертификатлаштириш талаб этиладиган ҳолларда мувофиқлик сертификати тўғрисидаги ахборот, шунингдек санитария-эпидемиологик, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертиза ҳақидаги ахборот;

қонунчиликка биноан лицензиялашнинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат олишнинг ёхуд фаолиятни бошлагани ҳақидаги хабарномани юборишнинг мажбурий талаби мавжуд бўлган ҳолларда лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат ёхуд фаолиятни бошлагани ҳақидаги хабарнома мавжудлиги тўғрисидаги ахборот.

Иштирокчининг офертаси у электрон дўконда жойлаштирилган пайдан эътиборан ўн беш иш куни мобайнида амал қилади. Ушбу муддат туганидан кейин иштирокчи уни яна ўн беш иш кунига активлаштиришга ҳақли.

Оферта Давлат геология қўмитаси томонидан акцептлангунга қадар иштирокчи офертани ҳар қандай муддатда чақириб олишга ёки унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақли.

Иштирокчи электрон дўконда ўзи жойлаштирган ахборотнинг ишончлилиги бўйича жавобгар бўлади.

2-§. Электрон дўкон орқали давлат харидларини амалга ошириш

41. Электрон дўкон орқали давлат харидлари иштирокчиларнинг оферталарини ўрганиш йўли билан ўзи учун зарур бўлган товарни (ишни, хизматни) танлайди ва товар (иш, хизмат) танланганидан кейин нархлар сўрови механизмидан фойдаланади.

Давлат харидларининг электрон тизими автоматик режимда, нархлар сўрови механизмини амалга оширган ҳолда танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига, шунингдек электрон дўконда ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган барча иштирокчиларга харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш тўғрисида таклифлар юборилишини таъминлайди.

Иштирокчилар нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф давлат харидларининг электрон тизими томонидан юборилган пайдан эътиборан қирқ саккиз соат ичида ўз таклифларини беришга ҳақли.

Иштирокчиларга юборилаётган нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф Давлат геология қўмитаси томонидан танланган иштирокчининг офертасига доир ҳаволани ўз ичига олади.

Харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш таклифини олган иштирокчи Давлат геология қўмитаси томонидан танланган оферта нархидан пастроқ нарх бўйича таклиф киритишга ҳақли.

Иштирокчилар томонидан берилган нарх бўйича таклифларни таққослаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

Давлат харидларининг электрон тизими Давлат геология қўмитаси ва энг паст нархни таклиф қилган ижрочи ўртасида тузилган битимни рўйхатдан ўтказди.

Иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлардан Давлат геология қўмитаси ёки иштирокчилар яқунлар сарҳисоб қилинадиган пайтга қадар фойдалана олмайди. Ижрочининг номи ғолиб аниқланган пайтда давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилади.

Давлат харидларининг электрон тизими шартномани Давлат геология қўмитаси томонидан танланган иштирокчининг офертасида баён этилган шартларга мувофиқ ҳамда иштирокчилар томонидан таклиф этилган энг паст нархда шакллантиради.

Харид қилиш тартиб-таомилларининг якунига кўра фақат танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчигина иштирок этган ҳолларда давлат харидларининг электрон тизими давлат буюртмачисига электрон шаклда савдолашиш имконини берувчи сўровни юборади. Бунда давлат буюртмачисига танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига у таклиф қилган нархдан пастроқ асосланган нарх сўровини юбориш имконияти пайдо бўлади. Танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчи бундай сўровни бир иш куни ичида қабул қилиши ёки рад этиши мумкин.

Танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчи нарх сўровини қабул қилганда давлат харидларининг электрон тизими Давлат геология қўмитаси ва ижрочи ўртасидаги битимни Давлат геология қўмитаси томонидан юборилган сўров нархи асосида рўйхатдан ўтказди.

Агар танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчи нарх сўровини қабул қилмаса ёки рад этса, Давлат геология қўмитаси ўз хоҳишига кўра мазкур иштирокчи билан шартномани расмийлаштириши ёки ушбу Қонун талабларига мувофиқ бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион ёки энг яхши таклифларни танлаш орқали харидни амалга ошириши мумкин. Бунда жавобгарлик давлат буюртмачисининг зиммасига юклатилади.

Агар харид қилиш тартиб-таомиллари тугаганидан кейин бир иш куни ичида Давлат геология қўмитаси томонидан нарх сўрови юборилмаса, давлат харидларининг электрон тизими Давлат геология қўмитаси ва ижрочи ўртасидаги битимни рўйхатдан ўтказди.

Давлат геология қўмитаси томонидан нархларни ўрганиш давлат харидларининг электрон тизими ёки бошқа очик манбаларнинг маълумотларидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин.

42. Нархлар сўрови механизми давлат буюртмачисига ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган иштирокчилардан пастроқ нархни сўраш имкониятини тақдим этадиган давлат харидларининг электрон тизими функциясидан иборат.

43. Агар нарх сўрови мобайнида иштирокчи томонидан таклиф қилинган сумма Давлат геология қўмитаси томонидан танланган суммадан 20 ва ундан ортиқ фоизга паст бўлса, иштирокчи Давлат геология қўмитаси томонидан танланган офертанинг суммаси ва ўзи томонидан таклиф этилган сумманинг фарқи миқдоридаги қўшимча закатни олдиндан киритиши шарт. Бунда офертанинг суммаси:

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваридан ошмайдиган ҳолларда қўшимча закат суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан;

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваридан ошган ҳолларда қўшимча закат суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг бараваридан ошмаслиги керак.

Қўшимча закат мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу таклифлар давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда рад этилади.

44. Ижрочи ва иштирокчилар тўғрисидаги маълумот (уларнинг номи, СТИР, таклиф суммалари) голиб аниқланган пайтда давлат харидларининг электрон тизимида акс этирилади.

45. Давлат буюртмачилари электрон дўконнинг қўшимча саҳифасидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида амалга ошириши мумкин.

Бунда электрон дўконнинг қўшимча саҳифасидан фойдаланиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

буюртмачи электрон дўконда «миллий дўкон» ячейкасини танлайди;

давлат харидларининг электрон тизими буюртмачи жойлашган ҳудуд бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг (ишни бажарувчиларнинг, хизмат кўрсатувчиларнинг) таклифлари жойлаштирилган қўшимча саҳифани очади.

“Миллий дўкон” ячейкасининг “қидирув” тугмасидан фойдаланилганда давлат харидларининг электрон тизими буюртмачи жойлашган ҳудуддаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) томонидан етказиб бериладиган товарни (ишни, хизматни) қидиради.

46. “Миллий дўкон” орқали харидларни амалга оширишда давлат харидларининг электрон тизими нархлар сўрови механизмини фақат буюртмачи жойлашган ҳудуддаги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (ишни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) орасида юборилишини таъминлайди.

4-боб. Аукцион

1-§. Аукцион воситасида давлат харидларини амалга оширишнинг умумий шартлари

47. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион (бундан буён матнда аукцион деб юритилади) воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

товарнинг стандарт хусусиятларга эга бўлиши;

товарнинг техник, эксплуатация қилиниш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш зарурати мавжуд эмаслиги;

товарнинг қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилари учун олти минг бараваригача) бўлган миқдорини ташкил этиши керак.

Хизматлар ва ишларнинг давлат хариди аукцион объекти бўла олмайди.

Товарни эълонда баён этилган шартлар асосида энг паст нарх бўйича етказиб беришни таклиф қилган иштирокчи аукцион ғолиби бўлади. Бунда мазкур норма белгиланган сифат стандартларига мувофиқ бўлган товарларни етказиб бериш талабини бекор қилмайди.

48. Аукцион воситасидаги давлат харидлари қуйидаги тартибда амалга оширилади.

- Ташаббускор Қўмита раҳбарга билдирги ёзади ва Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси билан йиллик сметалар харажатида маблағ ажратилганлиги ёки ажратилган смета харажатларида қолдиқ суммаси мавжудлигини билиш учун бошқарма бошлиғига билдирги билан таништиради;

- Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси ва ишлар бошқармаси бошлиғи билан 1 кунлик муддатда ушбу товар учун молиявий маблағ ажратилган ёки ажратилмаганлигини ва ажратилган пулдан қолдиғи бор ёки йўқлигини ҳамда ушбу товар ва хизматларга бўлган эҳтиёж мавжудлиги келишилади;

- Ташаббускор Раҳбарга билдиргини тақдим этади. Раҳбар бир кунлик муддатда харид қилиш ёки харид қилмаслик ҳақида маълумот беради;

- Раҳбар билан келишилгандан сўнг билдирги Ишлар бошқармасига келиб тушади ва 20 иш кун ичида Аукцион орқали харид амалга оширади. Ишлар бошқармаси товарларни қабул қилиш жараёнида ташаббускор ва соҳа мутахассиси иштирокида қабул қилади ва қўмита омборига топширади.

- Ташаббускор омбордан товарни олиш учун Ишлар бошқармасига бошлиғига билдирги билан мурожаат қилади ва Ишлар бошқармасига бошлиғи руҳсати билан товарни омборхонадан олади.

2-§. Аукцион орқали давлат харидларини амалга ошириш

49. Аукцион орқали давлат харидларини амалга ошириш учун Давлат геология қўмитаси махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида давлат харидларининг режа-жадвалига мувофиқ аукцион тугайдиган санадан камида беш иш куни аввал эълонни жойлаштиради.

50. Аукцион давлат харидларининг электрон тизимида бошланғич нархни қадам-бақадам пасайтириш йўли билан ўтказилади. Қадам ўлчови оператор томонидан ваколатли орган билан келишилган ҳолда белгиланади, лекин аукционнинг бошланғич нархининг 3 фоиз миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

51. Бунда бир иштирокчи белгиланган қадам ўлчови миқдорида бошланғич нархни кетма-кет бир неча бор пасайтириш ҳуқуқига эга.

52. Давлат харидларининг электрон тизими бюджет буюртмачисининг эълонини у жойлаштирилган вақтдан ва Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизимидан маълумотлар алмашинуви орқали маблағлар мавжудлиги ҳақидаги тасдиғи олингандан сўнг фаоллаштиради ва иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилишни бошлайди.

53. Агар таклиф нархи Давлат геология қўмитаси томонидан берилган бошланғич нархдан паст ва/ёки бошқа иштирокчининг таклиф қилган нархидан паст бўлса, давлат харидларининг электрон тизими иштирокчиларнинг таклифларини қабул қилишни таъминлайди.

54. Аукционни ўтказиш чоғида иштирокчилар аукцион бошланган пайтдан эътиборан ва у тамом бўладиган пайтга қадар бутун муддат ичида нарх бўйича таклифларни чекланмаган миқдорда беришга ҳақли.

Аукцион уни ўтказиш ҳақидаги эълонда кўрсатилган муддатда (сана ва вақт), бироқ охириги таклиф келиб тушган вақтдан сўнг ўн дақиқадан кам бўлмаган вақтда тугаган деб ҳисобланади.

Мазкур вақт ичида янги таклиф берилган тақдирда, иштирокчилардан таклифларни қабул қилиш муддати охириги таклиф олингандан сўнг яна ўн дақиқага узайтирилади.

Иштирокчиларнинг номи ва улар билан боғланишга доир маълумотлар аукцион ғолиби аниқланмагунига қадар давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилмайди.

Агар аукцион мобайнида иштирокчи томонидан таклиф қилинган нарх бошланғич нархдан 20 ва ундан ортиқ фоизга паст бўлса, иштирокчи бошланғич нарх ва ўзи томонидан таклиф этилган нархнинг фарқи миқдоридagi қўшимча закалатни олдиндан киритиши шарт. Бунда бошланғич нарх:

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваридан ошмайдиган ҳолларда қўшимча закалат суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан;

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг беш юз бараваридан ошган ҳолларда қўшимча закалат суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг бараваридан ошмаслиги керак.

Қўшимча закалат мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу таклифлар давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда рад этилади.

55. Аукцион орқали давлат харидларини амалга оширишда товарларни етказиб бериш муддати уларнинг миқдоридан, ҳажмидан, ноёблигидан, ишлаб чиқаришга ва (ёки) республика ҳудудига импорт қилишга кетадиган вақтидан ва бошқа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда етти кундан кам бўлмаслиги керак. Бунда етказиб берувчи товарларни шартномада белгиланган муддатдан олдин етказиб бериши мумкин.

56. Агар аукционда бир нафар иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланади ва ғолиб аниқланмайди. Давлат геология қўмитаси аукционни уч иш кунига узайтириши ёки харидни Қонун ва мазкур Низом талабларига мувофиқ электрон дўкон (белгиланган мезонлар доирасида) ёки энг яхши таклифларни танлаш орқали амалга ошириши мумкин.

5-боб. Танлаш

1-§. Танлаш воситасида давлат харидларини амалга ошириш шартлари

57. Давлат геология қўмитасида Танлаш воситасидаги давлат харидлари қуйидаги тартибда амалга оширилади.

- Ташаббускор Қўмита раҳбарига билдирги ёзади ва Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси билан йиллик сметалар харажатида маблағ ажратилганлиги ёки ажратилган смета харажатларида қолдиқ суммаси мавжудлигини билиш учун бошқарма бошлиғига билдирги билан таништиради;

- Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси ва ишлар бошқармаси бошлиғи билан 1 кунлик муддатда ушбу хизмат ёки товар учун молиявий маблағ ажратилган ёки ажратилмаганлигини ва ажратилган пулдан қолдиғи бор ёки йўқлигини ҳамда ушбу товар ва хизматларга бўлган эҳтиёж мавжудлиги келишилади;

- Ташаббускор Раҳбарга билдиргини тақдим этади. Раҳбар бир кунлик муддатда харид қилиш ёки харид қилмаслик ҳақида маълумот беради;

- Ташаббускор Техник хулосаларни расмийлаштириш учун тегишли йўналишлар бўйича Ишчи гуруҳ билан биргаликда товар ёки хизмат учун техник талабларини мукамал равишда тайёрлаб бериши лозим;

- Ишлар бошқармаси ходими (агент) томаонидан танлов ўтказиш тўғрисида эълон берилади;

- Танлаш электрон шаклда ўтказилади.

Электрон тарзда эълон берилган таклифлар комиссия аъзолари томонидан танланади ва энг яхши таклиф берган иштирокчи билан автоматик тарзда электрон шартнома тузилади.

Шартномада кўрсатилган муддатларда Ишлар бошқармаси товарларни ва иш хизматларини қабул қилиш жараёнида ташаббускор ва соҳа мутахассиси иштирокида қабул қилади ва қўмита омборига топширади.

Ташаббускор омбордан товарни олиш учун Ишлар бошқармасига бошлиғига билдирги билан мурожаат қилади ва Ишлар бошқармасига бошлиғи руҳсати билан товарларни омборхонадан олади.

Кўрсатилган иш хизматлари туридан келиб чиқиб далолатнома асосида товар ва хизматлар йўналиши бўйича мутахассис иштирокида Ишлар бошқармаси ходими (агент) қабул қилиб олади.

58. Танлаш воситасидаги давлат хариди Қонунида белгиланган шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади. Бунда қуйидаги мезонларни қамраб олиши зарур.

Энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда Танлаш деб юритилади) воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилари учун олти минг бараваригача) бўлган миқдорни ташкил этади.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг (бюджет буюртмачилари учун олти минг) баравари миқдоридан ошган ҳолларда давлат харидига доир техник топшириқлар қонунчиликда белгиланган тартибда экспертиза учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш

маркази» давлат унитар корхонасига (бундан буён матнда Комплекс экспертиза қилиш маркази деб юритилади) киритилади.

Танлаш мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказилади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

2-§. Танлашни ўтказишда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш

59. Танлашни ўтказишда харид комиссияси Давлат геология қўмитаси буйруғи асосида шакллантирилади ва тарқатиб юборилади.

60. Харид комиссиясининг масъул котиби:

иштирокчиларнинг таклифларини танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг расмийлаштириш талабларига мос келиши бўйича текширишни амалга оширади ва текшириш натижаларини харид комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилади;

танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган мезонлар бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш натижаларини давлат харидларининг электрон тизимига киритади.

61. Давлат геология қўмитаси харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очади.

62. Харид комиссиясининг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун харид комиссиясининг аъзолари ва масъул котибининг мулоқот қилиш имконияти давлат харидларининг электрон тизими томонидан ёпиқ чат орқали таъминланади.

63. Давлат харидларининг электрон тизимидаги шахсий кабинетга биринчи маротаба кирилаётганда харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси, шу жумладан, унинг раиси ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги тўғрисида маълумотларни киритиши шарт. Оператор харид комиссияси аъзолари томонидан киритилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича жавобгар бўлади.

64. Харид комиссияси раисининг аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, танлашни ўтказиш жараёни Давлат геология қўмитаси томонидан янги харид комиссияси раиси тайинлангунига қадар тўхтатилади.

65. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Белгиланган муддатларда харид комиссияси аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бўйин товлаган тақдирда, у овоз беришдан бош тортган деб тан олинади. Харид комиссияси раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи овоз беришдан бош тортишга ҳақли эмас

3-§. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш

66. Давлат геология қўмитаси томонидан танлаш ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг давлат буюртмачисининг мутахассислари ёки танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс томонидан танлаш бўйича

харид қилиш ҳужжатлари, шартнома ва танлашни ўтказиш ҳақидаги эълоннинг матни ишлаб чиқилади.

67. Танлаш таклифининг техник ва нарх қисми бўйича давлат буюртмачисининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмини баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

68. Давлат геология қўмитаси иштирокчиларнинг танлаш таклифларини баҳолаш усулини (энг паст нарх усулини ёки балл усулини) ва мезонларини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишиш учун киритади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида танлаш таклифларини баҳолаш учун қўлланиладиган балларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи танлашдан четлатилади.

69. Танлаш таклифининг техник қисми учун миқдорий ёки миқдорий бўлмаган (эксперт) кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади.

70. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари намунавий шаклларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгиллаган ҳолда) ва миқдорий бўлмаган (эксперт) мезонлар харид комиссияси томонидан тасдиқланади.

71. Балл усулидан фойдаланганда танлаш таклифининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймат белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчининг танлаш таклифи танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин.

72. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида мажбурий бўлган мезонлар белгиланиши мумкин. Бунда танлаш таклифининг мажбурий этиб белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчини давлат харидларининг электрон тизими орқали танлашнинг ҳар қандай босқичида четлатишга олиб келади.

Бунда мажбурий мезонлар белгиланишида Давлат харидлари тўғрисидаги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ иштирокчиларга нисбатан рақобатни чекловчи талаблар киритилишига йўл қўйилмайди.

73. Давлат геология қўмитаси танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини келишиш учун электрон шаклда харид комиссиясига киритади.

74. Харид комиссияси танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг мажлисда ёки масофадан туриб Қонун талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади ва қуйидагиларни белгилайди:

танлаш таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;

танлаш таклифларини баҳолаш усуллари ва мезонлари;

танлаш таклифлари қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезонларининг нисбий қиймати;

танлаш таклифини таъминлаш ҳажми ва шакли.

75. Танлашни ўтказиш ҳақида қарор танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари харид комиссияси томонидан келишилганидан сўнг қабул қилинади.

76. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан сўнг харид комиссияси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қайта келишилиши керак.

77. Давлат геология қўмитаси харид комиссияси билан келишилган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини ЭРИ билан тасдиқлайди.

78. Тасдиқланган танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шартнома лойиҳаси, шунингдек, танлаш ўтказиш ҳақидаги эълон танлаш иштирокчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида беш иш куни олдин Давлат геология қўмитаси томонидан давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

79. Зарур бўлган ҳолларда Давлат геология қўмитаси харид комиссияси қарори билан танлаш таклифларини бериш муддатини узайтириши ёки танлаш иштирокчиларига танлаш таклифларининг амал қилиш муддатини маълум вақтга узайтириш таклифи билан муурожаат қилиши мумкин.

4-§. Танлашда иштирок этиш учун таклифини бериш тартиби

80. Танлаш ўтказилганда иштирокчилар танлаш бўйича электрон таклифларни ўзларининг шахсий кабинетлари орқали эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

81. Иштирокчининг танлаш таклифининг ажралмас қисми бўлган электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган намунавий шакллар асосида тақдим этилади. Давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилган танлаш таклифи иштирокчи томонидан тасдиқланади.

82. Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари давлат харидларининг электрон тизимидаги намунавий шаклларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчининг танлаш таклифидаги маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

83. Танлаш таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар иштирокчилар, шунингдек, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

84. Танлаш иштирокчиси битта лотга фақат битта танлаш таклифини беришга ҳақли.

85. Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот (маълумот) ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавоб беради.

86. Танлаш иштирокчиси тақдим этилган танлаш таклифларини бериш муддати тугагунга қадар берилган танлаш таклифини чақириб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

87. Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда давлат харидларининг электрон тизими танлаш таклифларини қабул қилишни тўхтатади.

Танлаш иштирокчиси танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли.

Давлат геология қўмитаси сўров тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида ушбу сўровга очиқ электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Давлат геология қўмитаси томонидан танлаш таклифларининг таъминланиши зарурлиги белгилаган тақдирда, иштирокчи танлаш таклифлари юборилгунига қадар таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли. Давлат геология қўмитаси бундай сўровга бир иш куни ичида жавоб беради.

5-§. Танлаш натижаларини сарҳисоб қилиш

88. Танлаш Харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

89. Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда давлат харидларининг электрон тизимидаги тўлдирилиши мажбурий бўлган электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

90. Давлат харидларининг электрон тизими иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

91. Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

Танлаш ғолибини аниқлаш учун танлаш таклифларини баҳолаш танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва усул асосида амалга оширилади.

92. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

93. Танлаш таклифи танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади.

94. Танлаш таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисмини баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

95. Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

96. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда:

танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра танлашда иштирок этишни давом эттиришга руҳсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Танлаш таклифларини балл усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, энг паст нарх таклиф этган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Танлаш таклифларини энг паст нарх усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, техник қисми бўйича энг мақбул таклифни берган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Захирадаги ғолибни аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

97. Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда шаклланган дастлабки электрон баённомада қайд этилади ва танлаш ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзоланади.

Бунда дастлабки электрон баённомада қуйидаги ахборот бўлиши керак:

танлаш таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт; харид комиссияси аъзоларининг ва танлаш иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби;

танлаш таклифлари кўриб чиқилган танлаш иштирокчилари;

хар бир танлаш таклифини баҳолаш натижаларининг ёйилмаси;

танлаш таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ва асосланган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари;

танлаш ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида маълумот;

танлаш ғолибининг номи (юридик шахслар учун), Ф.И.О. (жисмоний шахслар учун), жойлашган жойи (почта манзили).

98. Дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади.

99. Танлашнинг исталган иштирокчиси дастлабки электрон баённома эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлаш ўтказиш натижалари бўйича давлат харидларининг электрон тизими орқали эътирозлар юборишга ҳақли.

100. Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаган бўлса, бу тўғрисида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва Давлат геология қўмитаси билан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

101. Танлаш ўтказиш натижалари бўйича танлаш иштирокчиларидан эътирозлар тушганда, харид комиссияси эътирозларни икки иш куни ичида кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

102. Давлат геология қўмитаси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси электрон баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

6-§. Танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш

103. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан тузилади.

104. Танлашни ўтказиш натижаларига кўра шартнома электрон шаклда тузилади ҳамда шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

105. Буюртмачилар томонидан ходимларни фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида жалб этишни назарда тутувчи харид қилиш тартиб-таомилларини электрон шаклда ўтказиш мажбурий ҳисобланмайди.

Бунда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш, танлаш иштирокчилари томонидан таклифларни бериш, танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш, ғолиб ва захира ғолибни аниқлаш, танлаш натижаларини расмийлаштириш Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Тендер

1-§. Тендерни ўтказиш шартлари

106. Тендер воситасидаги давлат харидлари қуйидаги тартибда амалга оширилади.

- Ташаббускор Қўмита раҳбарга Билдирги ёзади ва Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси билан йиллик сметалар харажатида маблағ ажратилганлиги ёки ажратилган смета харажатларида қолдиқ суммаси мавжудлигини билиш учун бошқарма бошлиғига билдирги билан таништиради;

- Иқтисодиёт ва молиялаштириш бошқармаси ва ишлар бошқармаси бошлиғи билан 1 кунлик муддатда ушбу хизмат ёки товар учун молиявий маблағ ажратилган ёки ажратилмаганлигини ва ажратилган пулдан қолдиғи бор ёки йўқлигини ҳамда ушбу товар ва хизматларга бўлган эҳтиёж мавжудлиги келишилади;

- Ташаббускор Қўмита раҳбарга билдиргини тақдим этади. Раҳбар бир кунлик муддатда харид қилиш ёки харид қилмаслик ҳақида маълумот беради;

- Ташаббускор Техник хулосаларни расмийлаштириш учун тегишли йўналишлар бўйича Ишчи гуруҳ билан биргаликда товар ёки хизмат учун техник талабларини мукамал равишда тайёрлаб бериши лозим;

- Ишлар бошқармаси ходими (агент) томонидан танлов ўтказиш тўғрисида эълон берилади;

- Тендер электрон шаклда ўтказилади;

- Электрон тарзда эълон берилган таклифлар Харид комиссия аъзолари томонидан танланади ва энг яхши таклиф берган иштирокчи билан автоматик тарзда электрон шартнома тузилади;

- Шартномада кўрсатилган муддатларда Ишлар бошқармаси товарларни ва иш хизматларини қабул қилиш жараёнида ташаббускор ва соҳа мутахассиси иштирокида қабул қилади ва қўмита омборига топширади;

- Ташаббускор омбордан товарни олиш учун Ишлар бошқармасига бошлиғига билдирги билан мурожаат қилади ва Ишлар бошқармасига бошлиғи руҳсати билан товарларни омборхонадан олади;

- Товар ёки кўрсатилган иш хизматлари туридан келиб чиқиб далолатнома асосида хизматларни йўналиши бўйича мутахассис иштирокида Ишлар бошқармаси ходими (агент) қабул қилиб олади.

2-§. Тендерни ўтказишда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш

107. Тендерни ўтказишда Харид комиссияси Давлат геология қўмитасининг буйруғи билан шакллантирилади ва тарқатиб юборилади.

108. Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида Давлат геология қўмитаси томонидан шакллантириладиган, ушбу тартиб-таомилларни ўтказиш тартибида шакллантирилиши талаб этиладиган коллегиял органдир.

Харид комиссияси ишининг асосий мақсади харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

Харид комиссияси Давлат геология қўмитаси хузурида фаолият кўрсатадиган, Қўмитанинг тегишли буйруғи билан шакллантириладиган ва тарқатиб юбориладиган органдир.

Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилларининг турига боғлиқ бўлади ҳамда қонунчиликка мувофиқ ва олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Харид комиссияси аъзолари холис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ғолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Харид комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкил этади.

Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас.

Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.

Харид комиссияси энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни электрон шаклда ўтказиш чоғида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга.

Харид комиссияси давлат харидларининг предметдан келиб чиққан ҳолда, ўз фаолиятини амалга ошириш учун экспертларни, шунингдек бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва давлат буюртмачисининг юқори турувчи ташкилоти мутахассисларини жалб этиш мумкин.

Харид комиссияси қарори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз бўлади.

Харид комиссияси аъзоларида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўриб чиқилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда харид комиссияси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан қарор қабул қилингунига қадар маълум бўлиб қолган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган бўлса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз беришига йўл қўйилмайди.

Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилиланганлиги мавжудлиги қарор қабул қилинганидан кейин маълум бўлиб қолган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

харид қилиш ҳужжатларини келишади;
таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;
таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;
таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;
зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказади, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

Харид комиссияси давлат харидлари ижрочисини аниқлаш тартиб-таомилларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар Давлат геология қўмитаси учун мажбурийдир.

109. Харид комиссиясининг масъул котиби:

иштирокчиларнинг таклифларини тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини расмийлаштириш талабларига мос келиши бўйича текширишни амалга оширади ва текшириш натижаларини харид комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилади;

тасдиқланган мезонлар бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш натижаларини давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштиради.

110. Қўмитанинг харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун давлат харидларининг электрон тизимида шахсий кабинет очади.

111. Харид комиссиясининг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун харид комиссиясининг аъзолари ва масъул котибининг мулоқот қилиш имконияти давлат харидларининг электрон тизими томонидан ёпиқ чат орқали таъминланади.

112. Давлат харидларининг электрон тизимидаги шахсий кабинетга биринчи мартаба кириладиганда харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси, шу жумладан, унинг раиси ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжудлиги тўғрисида маълумотларни киритиши шарт. Оператор харид комиссияси аъзолари томонидан киритилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича жавоб беради.

113. Харид комиссияси раисининг аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, тендерни ўтказиш жараёни Давлат геология қўмитаси томонидан харид комиссиясининг вақтинчалик янги раиси тайинлангунига қадар тўхтатилади.

114. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Белгиланган муддатларда харид комиссия аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бош тортган тақдирда, унинг овози бетараф сифатида қабул қилинади. Харид комиссия раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи овоз беришдан бош тортишга ҳақли эмас.

3-§. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш

115. Давлат геология қўмитаси томонидан тендер ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг давлат буюртмачисининг мутахассислари ёки тендерни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс томонидан тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шартнома ва тендер ўтказиш ҳақидаги эълоннинг матни ишлаб чиқилади.

116. Тендер таклифининг техник ва нарх қисми бўйича давлат буюртмачисининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмини баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

117. Давлат геология қўмитаси иштирокчиларнинг тендер таклифларини баҳолаш усулини (энг паст нарх усулини ёки балл усулини) ва мезонларини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишиш учун киритади. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида тендер таклифларини баҳолаш учун қўлланиладиган балларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи тендердан четлатилади.

118. Тендер таклифининг техник қисми учун миқдорий ёки миқдорий бўлмаган (эксперт) кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади.

119. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг намунавий шаклларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгиллаган ҳолда) ва миқдорий бўлмаган (эксперт) мезонлар харид комиссияси билан келишилган ҳолда буюртмачи томонидан тасдиқланади.

120. Балл усулидан фойдаланганда тендер таклифининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймат белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчининг таклифи тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин.

121. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида мажбурий бўлган мезонлар белгиланиши мумкин. Бунда тендер таклифининг мажбурийлиги белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчининг давлат харидларининг электрон тизими орқали тендернинг ҳар қандай босқичида четлатилишига олиб келади.

Бунда харид қилиш ҳужжатларига товарни ишлаб чиқарувчига, иштирокчига нисбатан давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлган, ошириб юборилган талабларни, шу жумладан иштирокчининг малакасига нисбатан ошириб юборилган талабни (шу жумладан товарнинг, ишнинг ёки хизматнинг сифатига, техник хусусиятларига доир талаблар, товарнинг функционал хусусиятларига (истеъмол қилиш хусусиятларига) доир талаблар шаклида) киритишга йўл қўйилмайди.

122. Давлат геология қўмитаситендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини келишиш учун электрон шаклда харид комиссиясига киритади.

123. Харид комиссияси ўзининг мажлисида ёки масофадан туриб тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари лойиҳасининг Қонун талабларига мувофиқлиги бўйича кўриб чиқади ва қуйидагиларни белгилайди:

тендер таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;
тендер таклифларини баҳолаш усуллари ва мезонлари;
тендер таклифи қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймати;
тендер таклифини таъминлаш ҳажми ва шакли.

124. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари лойиҳаси унда белгиланган талаблар билан бирга муҳокамага қўйилади.

125. Харид комиссияси томонидан тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари лойиҳаси маъқулланган ҳолда тендер ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади.

126. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари маъқулланмаган ҳолларда улар қайта ишлаш учун қайтариб юборилиши ёки харид комиссияси мажлисида қайта ишланиши мумкин.

127. Маъқулланган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларини Давлат геология қўмитаси ЭРИ билан тасдиқлайди.

128. Тасдиқланган тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари, шунингдек, тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон тендер иштирокчиларидан тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида ўн икки иш куни олдин ва кўпи билан ўттиз иш куни олдин давлат харидларининг электрон тизимига Давлат геология қўмитаситомонидан жойлаштирилади.

129. Зарур бўлган ҳолларда Давлат геология қўмитаси харид комиссияси қарори билан тендер таклифларини бериш муддатини узайтириши ёки тендер иштирокчиларига тендер таклифларининг амал қилиш муддатини маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

130. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида Давлат геология қўмитаси ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги (лот) сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бу ҳолатда Давлат геология қўмитаситурли товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун тендернинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир лот учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин.

4-§. Тендерда иштирок этиш учун таклиф бериш тартиби

131. Тендер иштирокчилари тендер бўйича электрон таклифларни ўзларининг шахсий кабинетлари орқали эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

132. Иштирокчининг тендер таклифини ташкил этувчи электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган намунавий шакллар асосида тақдим этилади. Давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилган тендер таклифи иштирокчи томонидан тасдиқланади.

133. Тендер таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг тендер таклифлари давлат харидларининг электрон тизимида намунавий шаклларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчининг тендер таклифларида кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

134. Тендер таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар тендер иштирокчилари, шунингдек, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

135. Тендер иштирокчиси битта лотга фақат битта тендер таклифини беришга ҳақли.

136. Тендер иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот (маълумот) ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавоб беради.

137. Тендер иштирокчиси тендер таклифларини бериш муддати тугагунга қадар берилган тендер таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

138. Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда давлат харидларининг электрон тизими тендер таклифларини қабул қилишни тўхтатади.

139. Тендер таклифлари тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган муддатда ўз кучида қолади.

140. Тендер иштирокчиси тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли.

141. Давлат геология кўмитаси сўров тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида ушбу сўровга очиқ электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

142. Давлат геология кўмитаси томонидан тендер таклифларининг таъминланиши зарурлиги белгилаган тақдирда, иштирокчи тендер таклифлари юборилгунга қадар таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли. Давлат геология кўмитаси бундай сўровга бир иш куни ичида жавоб беради.

5-§. Тендер натижаларини сарҳисоб қилиш

143. Тендер харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг тендер таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

144. Иштирокчи томонидан бириктирилган ҳужжатлар унинг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда давлат харидларининг электрон тизимидаги тўлдирилиши мажбурий бўлган электрон майдонлар тўлдирилган бўлиши керак.

145. Давлат харидларининг электрон тизими иштирокчи таклиф этган нархнинг бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган ҳужжатларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилиши мажбурий бўлган тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими аниқ сабабни кўрсатган ҳолда иштирокчининг тендер таклифини рад этади. Бириктирилган

ҳужжатлардаги маълумотларнинг иштирокчининг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

146. Тендер таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

тендер таклифининг тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш;

иштирокчининг малака талабларга (тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш;

тендер таклифининг техник қисмини баҳолаш;

тендер таклифининг нарх қисмини баҳолаш.

Бунда давлат харидларининг электрон тизими тендер таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотлар тендер таклифининг олдинги қисми баҳоланиши яқунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошқор қилинишини таъминлайди.

147. Тендер таклифи тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

148. Иштирокчининг тендер таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

149. Тендер ғолибини аниқлаш учун тендер таклифларини баҳолаш тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва усул асосида амалга оширилади.

150. Тендер таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси масъул котиби тендер иштирокчиларидан уларнинг тендер таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

151. Тендер таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан, нарх қисмини баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

152. Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

153. Миқдор кўрсаткичларига асосланган мезонларни баҳолашда:

тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсаткичларнинг энг кам ва энг кўп қийматлари белгиланиши мумкин;

миқдор кўрсаткичлари энг кам ва энг кўп ҳисобга олинadиган қийматлари оралиғида бўлган иштирокчилар учун балл коэффиценти унинг миқдор кўрсаткичининг энг кам ва энг кўп ҳисобга олинadиган қийматларининг фарқида бўлган нисбатини аниқлаш орқали ҳисобланади;

агар маълум бир мезон бўйича иштирокчининг миқдор кўрсаткичи тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ энг кам ҳисобга олинadиган қийматдан кам бўлса, иштирокчига энг кам балл қўйилади;

агар маълум бир мезон бўйича иштирокчининг миқдор кўрсаткичи энг кўп ҳисобга олинadиган қийматдан юқори бўлса, унинг кўрсаткичи энг кўп ҳисобга

олинадиган қийматдан қай даражада юқорилигидан қатъи назар унга ушбу мезон бўйича энг юқори балл берилади;

миқдорий ёки миқдорий бўлмаган (эксперт) мезонни баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан баллни ушбу мезоннинг ҳисобга олинадиган қийматига кўпайтириш орқали автоматик равишда амалга оширилади.

154. Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб харид комиссияси иштирокчиларга шартномани бажариш учун зарур профессионал ва техник малака маълумотларига, касбий ва техник компетенцияга, молиявий ресурсларга, жиҳозларга ва бошқа моддий имкониятларга, бошқарув малакасига, ишончлиликка, тажрибага ва обрўга, шунингдек, инсон ресурсларига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун кўшимча мезон ва талабларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Бунда иштирокчиларни камситишга, савдоларнинг битта ёки бир нечта иштирокчисига савдоларда қатнашиш учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиб беришга, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган мезонларни, талабларни ва тартиб-таомилларни қўллашга йўл қўйилмайди.

155. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида тендер иштирокчисининг малака талабларига мос келишини тасдиқловчи ҳужжатларнинг давлат харидларининг электрон тизимига бириктирилиши назарда тутилиши мумкин. Давлат геология қўмитаси тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар бўйича иштирокчининг малакасини баҳолашга ёки тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли эмас.

156. Тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда:

тендер таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

тендер таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра тендерда иштирок этишни давом эттиришга руҳсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Тендер таклифларини балл усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, энг паст нарх таклиф этган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Тендер таклифларини энг паст нарх усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасига кўра икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, техник қисми бўйича энг мақбул таклифни берган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Захирадаги ғолибни аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

157. Харид комиссияси аъзолари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда шаклланган йиғилишнинг электрон баённомаларини ЭРИдан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда эълон қилинади.

158. Тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида:

тендер таклифлари кўриб чиқилмаган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт тўғрисидаги;

ҳозир бўлган харид комиссияси аъзоларининг ва тендер иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби ҳақидаги;

тендер таклифлари кўриб чиқилган тендер иштирокчилари тўғрисидаги;

хар бир тендер таклифларини баҳолаш натижаларининг ёйилмаси ҳақидаги;

тендер таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ва асосланган ҳолда рад этилган тендер иштирокчилари ҳақидаги;

тендер ғолиби (захира ғолиби) тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги;

тендер ғолибининг номи (юридик шахс учун), фамилияси, исми, отасининг исми (жисмоний шахс учун), жойлашган жойи (почта манзили) ҳақидаги ахборот бўлиши керак.

159. Давлат геология кўмитаси ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда тендерни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Тендер бекор қилинган тақдирда Давлат геология кўмитаси давлат харидларининг электрон тизимида мазкур қарорнинг асосланган сабабларини эълон қилади.

160. Давлат геология кўмитаси тендер бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан тендер давлат буюртмачисининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида бекор қилинган ҳоллар мустасно.

6-§. Тендер натижалари бўйича шартнома тузиш

161. Тендер натижалари бўйича шартнома тендер бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган тендер иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан тузилади.

162. Давлат геология кўмитаси тендер шартларига мувофиқ қабул қилган таъминот суммаси ёки таъминотига оид бошқа ҳужжатлар қуйидаги ҳолатлардан бири рўй берган тақдирда, иштирокчига ёки ижрочига дарҳол қайтарилишини таъминлайди:

таклифни таъминотига оид ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса;

шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса; давлат харидлари бекор қилинса;

таклифларни юборишнинг охириги муддати тугагунига қадар таклифнинг чақириб олиниши, агар давлат хариди шартларида бундай қайтариб олишга йўл қўйилмаслиги айтиб ўтилмаган бўлса.

163. Тендер иштирокчилари тендер шартлари ва тендерни ўтказиш тартиб-таомиллари бузилган ҳолатларда тендер натижаларидан белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

164. Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.

165. Харид комиссиясининг ўз ваколати доирасида қабул қилмаган қарорлари Давлат геология кўмитаси ва харид қилиш тартиб-таомиллари барча иштирокчилар учун мажбурий ҳисобланади.

166. Тендер натижалари бўйича тузилган шартнома электрон ҳужжат шаклида тузилади ва оператор томонидан Шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

167. Буюртмачилар томонидан ходимларни фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида жалб этишни назарда тутувчи харид қилиш тартиб-таомилларини электрон шаклда ўтказиш мажбурий ҳисобланмайди.

Бунда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш, тендер иштирокчилари томонидан таклифларни бериш, тендер иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш, ғолиб ва захира ғолибни аниқлаш, тендер натижаларини расмийлаштириш Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7-боб. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари

1-§. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга ошириш тартиби

168. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидлари қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

Ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган ягона етказиб берувчи билан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат хариди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли қарори билан тасдиқланган Рўйхатдаги товар ва хизматлар хариди;

фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

суд муҳокамасида иштирок этиш учун адвокатни (вакилни) тайинлаш билан боғлиқ бўлган давлат хариди;

илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари каби интеллектуал фаолият натижаларининг мазкур интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган ягона шахсдан давлат хариди;

нархи (тарифи) давлат томонидан тартибга солинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди.

Давлат буюртмачилари тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштириши шарт.

Тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталига жойлаштирилмаган бўлса, ушбу шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

Давлат геология қўмитаси ушбу моддада назарда тутилган давлат харидларини амалга ошириш чоғида харид қилиш тартиб-таомилларининг бошқа рақобатли турларидан ҳам ушбу Қонун талабларига мувофик фойдаланиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат харидини тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширишга рухсат берилса, шартнома ва шартномага оид қўшимча келишувлар Комплекс экспертиза қилиш марказида комплекс экспертизадан ўтказилиши лозим, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно.

169. Давлат геология қўмитаси тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштириши шарт, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

170. Тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталига жойлаштирилмаган бўлса, ушбу шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

171. Давлат геология қўмитаси ушбу параграфда назарда тутилган давлат харидларини амалга ошириш чоғида харид қилиш тартиб-таомилларининг бошқа рақобатли турларидан ҳам Қонун ва ушбу Низом талабларига мувофик фойдаланиши мумкин.

172. Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат харидини тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширишга рухсат берилса, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг (бюджет буюртмачилари учун олти минг) баравари миқдоригача бўлган шартнома ва шартномага оид қўшимча келишувлар Комплекс экспертиза қилиш марказида комплекс экспертизадан ўтказилмайди.

2-§. Ягона етказиб берувчидан давлат хариди

173. Ягона етказиб берувчидан давлат хариди ягона етказиб берувчи деб топилган ва Ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиси ягона етказиб берувчидир.

Ягона етказиб берувчидан товар (иш, хизмат) олиш зарур бўлган тақдирда, етказиб берувчи ҳамда Давлат геология қўмитаси ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузилади ва бу шартнома тўғрисидаги ахборот у тузилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштирилиши лозим.

Ягона етказиб берувчидан давлат хариди қуйидаги алоҳида ҳолларда амалга оширилади:

бозорда муқобиллари бўлмаган ва фақат ягона етказиб берувчидан олиш мумкин бўлган техник жиҳатдан мураккаб товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди;

маданий қимматликларни олиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ягона етказиб берувчи сифатида белгиланган субъектлардан давлат харидлари;

табiiй монополия субъекти товарларининг (ишларининг, хизматларининг) давлат хариди;

ўз ваколатларига мувофиқ фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёки уларнинг тасарруфидаги давлат муассасалари ва ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ишларга ёки кўрсатилиши мумкин бўлган хизматларга эҳтиёж пайдо бўлиши.

3-§. Ягона етказиб берувчилар билан шартнома тузиш

174. Ягона етказиб берувчилардан харидни амалга ошириш учун Давлат геология қўмитаси ягона етказиб берувчилар реестридан (кейинги ўринларда — Реестр) фойдаланади.

175. Ягона етказиб берувчидан товар (иш, хизмат) олиш зарур бўлган тақдирда, етказиб берувчи ҳамда Давлат геология қўмитаси ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузилади ва бу шартнома тўғрисидаги ахборот у тузилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштирилиши лозим.

4-§. Ягона етказиб берувчилар реестрини юритиш

176. Ягона етказиб берувчилар реестри ваколатли орган томонидан махсус ахборот порталида юритиладиган ахборот ресурсидир.

177. Ягона етказиб берувчилар реестри ягона етказиб берувчидан давлат харидини амалга ошириш учун рухсат этилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати ва ягона етказиб берувчилар рўйхатидан иборатдир.

178. Реестрда контрагент мавжуд бўлмаса, Давлат геология қўмитаси тўғридан-тўғри шартномани тузишга ҳақли эмас.

179. Реестрдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкин.

180. Ваколатли орган таҳлил ўтказиш ва тегишли маълумотларни йиғиш орқали:

бозорда муқобиллари бўлмаган техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) хўжалик юритувчи субъектларни;

тегишли бозорда муқобиллари бўлмаган товарлар (ишларни, хизматлар)ни ишлаб чиқарувчи товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган монополист-корхоналарни;

тарихий, бадиий ёки бошқа маданий аҳамиятга эга бўлган маданий қимматликларнинг эгаларини, шунингдек, ушбу қимматликларни давлатнинг музей, ахборот-кутубхона, архив фондларини, кино фондларини, фотосуратлар фондларини ва шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун зарурлигини аниқлайди.

181. Мазкур Низомнинг 197-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар Реестрга ягона етказиб берувчи сифатида киритиш ҳақидаги ариза билан ваколатли органга муурожаат этишлари мумкин.

182. Реестрга ягона етказиб берувчи сифатида киритиш ҳақидаги аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

хўжалик юритувчи субъект ҳақида — юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг санаси ва рўйхатга олиш рақами, жисмоний шахс ҳақида — шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги тегишли маълумотлар;

номи, техник хусусиятлари, нархи кўрсатилган ишлаб чиқарилаётган (етказиб берилаётган) бозорда муқобиллари бўлмаган техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақида маълумот;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектнинг Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрида мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

маданий қимматликларнинг тарихий, бадий ёки бошқа маданий аҳамияти ҳақидаги маълумотлар;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда мавжуд бўлган лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар;

бошқа маълумотлар.

183. Ваколатли орган қуйидаги асослар бўйича Реестрга киритиш ҳақидаги аризани рад этиши мумкин:

мазкур Низомнинг 199-бандида назарда тутилган ҳужжатларни (маълумотларни, ахборотларни) тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этиш;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ва бузилган маълумотлар аниқланганлиги;

ҳужжатлар ариза берувчининг номидан ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан тақдим этилиши.

184. Ваколатли орган зарур ҳолларда бозорда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) муқобили мавжудлигини аниқлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга:

бозорда муқобиллари бўлмаган техник жиҳатдан мураккаб ва ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) хўжалик юритувчи субъектлар ҳақидаги маълумотларни;

тегишли бозорда муқобиллари бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарувчи товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган монополист-корхоналар ҳақидаги маълумотларни;

маданий қимматликларнинг тарихий, бадий ёки бошқа маданий аҳамиятга эгаллигини, шунингдек, ушбу қимматликларни давлатнинг музей, ахборот-кутубхона, архив фондларини, кино фондларини, фотосуратлар фондларини ва шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун зарурлигини аниқлаш учун маданий қимматликларнинг эгалари ҳақидаги маълумотларни юборати.

185. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ваколатли органдан маълумотларни

олганларидан сўнг беш иш куни мобайнида ўзларининг ахборот базаларидаги ва/ёки очик манбалардаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда тақдим этилган товарнинг (ишни, хизматнинг) бозорда муқобили мавжуд эмаслиги ҳақидаги ахборотни тақдим этади.

186. Ваколатли орган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилган ахборот асосида Реестрга киритиш ҳақидаги аризани қаноатлантиради ёки қаноатлантиришни рад этади.

187. Ариза қаноатлантирилган тақдирда, ваколатли орган хўжалик юритувчи субъектни ёки маданий қимматликларнинг эгасини ягона етказиб берувчи сифатида Реестрга киритади.

188. Реестрга ўзгартириш киритиш учун қуйидагилар асос бўлади:

табiiй монополия субъектининг Табiiй монополия субъектларининг давлат реестридан чиқарилиши;

хўжалик юритувчи субъект Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг реестридан чиқарилиши;

ваколатли органнинг хўжалик юритувчи субъектни Реестрдан чиқариш ҳақидаги хабарномаси;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ваколат доирасида фақат шу органлар ёки уларнинг тизимидаги ташкилотлар томонидан ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилиши тўхтатилиши;

суднинг қонуний кучга кирган хўжалик юритувчи субъектни банкрот деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарори;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳолатлар.

9-боб. Давлат буюртмачилари билан тузилган Шартномаларнинг ягона реестри

189. Шартномаларнинг ягона реестри Ишлар бошқармаси томонидан давлат харидларининг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда юритилади.

190. Шартномаларнинг ягона реестри электрон дўкон, аукцион, танлаш, тендер, ҳадли келишув натижалари ва тўғридан-тўғри тузилган шартномалар, шу жумладан, ягона етказиб берувчидан амалга оширилган харидлар яқунлари, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ тузилган бошқа давлат харидлари тўғрисидаги шартномалар бўйича шакллантирилади.

191. Электрон дўкон, аукцион, танлаш, тендер ва ҳадли келишув орқали тузилган шартномалар давлат харидларининг электрон тизимида рўйхатга олинганидан сўнг автоматик режимда Шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

192. Тўғридан-тўғри тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар Давлат геология қўмитаси томонидан махсус ахборот порталига киритилгандан сўнг автоматик режимда ахборот шакллантирилади ва Шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

193. Шартномаларнинг ягона реестридаги ахборот танишиб чиқиш учун бепул ва очик бўлиши керак.

194. Махсус ахборот портали ва ДМБАТ ўртасидаги маълумотлар базаси электрон ҳамкорлиги орқали давлат буюртмачилари билан тузилган

Шартномаларнинг ягона реестри бўйича онлайн маълумот алмашинуви амалга оширилади.

195. Қайси шартномалар тўғрисидаги ахборот Шартномаларнинг ягона реестрига киритилмаган бўлса, ўша шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

10-боб. Яқунловчи қоидалар

196. Давлат харидларини расмийлаштириш, тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилишини мониторинг қилиш, шикоятларни, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш ҳамда харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назорати қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

197. Харид қилиш тартиб-таомили натижаси бўйича тузилган шартноманинг куйидаги муҳим шартларини:

товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) сифатини ва ассортиментини ўзгартиришга;

товарнинг миқдорини ва баҳосини оширишга;

етказиб бериш муддатини узайтиришга (бундан форс-мажор ҳолатлар мустасно);

амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча ишлар ва хизматлар қийматини шартнома бўйича унинг умумий бошланғич суммасининг 10 фоизидан кўп бўлган суммага оширишга йўл қўйилмайди.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўғридан-тўғри тузилган шартномаларнинг муҳим шартларини ўзгартириш бўйича ушбу шартнома шартларига мувофиқ қўшимча келишув тузилиши мумкин.

198. Давлат геология қўмитаси ва давлат харидларининг электрон тизими оператори томонидан харид қилиш тартиб-таомилига оид барча ҳужжатлар белгиланган муддатларда сақланиши лозим.

199. Давлат геология қўмитаси қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши, шартномалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилиши ва шартнома бўйича ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар лозим даражада бажарилиши учун, шунингдек, махсус ахборот порталига жойлаштирилган маълумотларнинг, ваколатли давлат органларига тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига ва ҳужжатларнинг қоғоз ва электрон шаклининг ўзаро мувофиқлигига жавоб беради.

200. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган ходимлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Давлат харидлари очик ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш
бўйича Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
ишчи комиссияси тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Давлат харидлари очик ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш бўйича Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ишчи комиссиясининг (кейинги ўринларда — комиссия) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлис палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишларига, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси буйруқларига ушбу Низомга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

3. Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тармоқ корхоналари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

2-боб. Комиссиянинг асосий вазифалари

4. Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:
харидларининг очик ва шаффоф ўтказилишини, буюртмачилар томонидан қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли назоратни амалга ошириш;

товарлар (ишлар, хизматлар) харидининг мақсадга мувофиқлигини, буюртмачилар томонидан бошланғич нархларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ шакллантирилишини мониторинг қилиш;

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таркибига кирувчи корхона раҳбарларининг давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш бўйича ҳисоботларини муҳокама қилиш.

3-боб. Комиссиянинг асосий баҳолаш мезонлари

5. Иштирокчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича харидларга тааллуқли бўлган таклифларини баҳолаш мезонларида:

нарх;

етказиб бериш базиси;

етказиб бериш муддатлари;

тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари;

эксплуатация қилиш (фойдаланиш) муддати;
тўлов ва кафолатлар шартлари;
муайян даврдаги эксплуатация қилишга, шу жумладан, фойдаланиш ва таъмирлашга доир харажатлар;
қонунчилик талабларига зид бўлмаган бошқа мезонлар назарда тутилади.

4-боб. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юклатилган вазифалар юзасидан тегишли тармоқ корхоналаридан зарур бўлган ҳужжатларни сўраб олиш;

давлат харидлари соҳасидаги иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш юзасидан комиссия ишчи бўлими ҳамда бошқа тармоқ корхоналарига кўрсатмалар бериш;

Тармоқ корхона раҳбарларига давлат харидлари соҳасида йўл қўйилган камчиликлар учун интизомий жазо чораларини белгилаш.

7. Комиссиянинг ишчи органи вазифаси Ишлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

8. Комиссия ишчи органи тармоқ корхоналаридан қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин:

давлат харидлари бўйича техник топшириқ ва харид ҳужжатлари;

харид комиссияси мажлисларининг баённомалари;

харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган таклифлар ва улар билан ёзишмаларнинг нусхалари;

лойиҳанинг тасдиқланган техник иқтисодий асослари, молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг хулосаси ва шартнома лойиҳаси;

молиялаштириш манбаи ва уни асослантирувчи ҳужжатлар;

бошқа зарур ҳужжатлар ва маълумотлар.

4-боб. Яқунловчи қоида

9. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.